

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**А. СУЛАЙМОНОВ,
ЎзПФИТИ лаборатория мудири,
Д. МАЖИДОВА,
ЎзПФИТИ стажер тадқиқотчи-изланувчиси**

Етимга мурувват кўрсатиш ўзбек ҳақида хос қадриятлар тизимидаги энг ибратли хусусиятлардан биридир. Зеро, қадимдан, ҳаттоки бошқа миллат фарзандларига нисбатан ҳам болажонлиги билан ажралиб турувчи ўзбек халқининг болаларга ғамхўрлик кўрсатиши унинг энг олий фазилати ҳисобланган. Ислом таълимотида ҳам етим-есирларга васийлик қилиш, уларни ўз қармоғига олиш катта савоб иш эканлиги таъкидланади. Ўзбекистонда Меҳрибонлик уйларининг ташкил этилиш тарихида Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқи томонидан ота-онасиз қолган турли миллат ва элатларга мансуб бўлган болаларга нисбатан кўрсатилган инсонпарварлик муносабатлари алоҳида ўрин тутади. Ота-онасидан айрилган минглаб болалар юртимизда бошпана топганлар. Уруш йиллари мамлакатимизга турли миллат вакилларида 200 минг нафар бола эвакуация қилинган. Уларни парваришlash, тарбияlash ва соғлиқларини муҳофаза қилиш бўйича ташаббус билан чиққан оилалар минглаб болаларни қабул қилганлар.

Дунё ҳамжамиятидаги интеграцион жараёнлар, глобаллашув тенденциялари ҳар қандай ижтимоий ҳодисага янгича назар билан қарашни тақозо этмоқда. Шу маънода Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш муаммосини тадқиқ этиб келаётган олима Ўғилой Асқарованинг монографик тадқиқоти (Асқарова, Ўғилой. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тизими / масъул муҳаррир Д.И. Рўзиева. – Т.: “Фан”, 2010. – 120 б.) ижтимоий ҳаётда мавжуд муаммолардан бири – муайян сабабларга кўра ота-онасиз вояга етаётган болаларни жамиятнинг фаол аъзоси, истиқболга оптимистик руҳ билан қарайдиган кишилар қилиб тарбияlash масаласининг назарий ва амалий ечимларини тақдим этувчи илмий асар сифатида эътиборлидир.

Барча давлатларда ҳам муайян сабабларга кўра ота-она қарамғисиз қолган болалар мавжуд бўлиб, уларга нисбатан ижтимоий эътибор турли жамият, давлатларда турлича бўлган. Ўзбекистонда бундай болаларга васийликни давлат ўз зиммасига олган. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш муаммосига бағишланган мазкур монографияда жараённинг назарий-методологик ҳамда технологик асослари, педагогик шарт-шароитлари очиқ берилган бўлиб, мазкур муаммонинг энг таянч нуқталари: Ўзбекистонда Меҳрибонлик уйларини ташкил этилиш ва ривожланиш тарихи; бу борада мавжуд хорижий тажрибалар ва уларнинг моҳияти; меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг умумий мазмуни, асосий йўналишлари, ижтимоий имкониятлари; меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоясида қўлланилаётган янги анъаналар ва уларнинг самарали омиллари муайян илмий-назарий таҳлиллар ҳамда амалий тажрибалар асосида ёритиб берилган.

Монографияда, шунингдек, институционал муассаса тарбияланувчиларининг ижтимоийлашув жараёнлари, бу жараённинг мазмуни ва моҳияти, бунда уларга малакали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва болаларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини БМТнинг Бола ҳуқуқлари конвенциясига мувофиқ таъминлашга йўналтирилган ижтимоий хизматнинг замонавий ёндашув ва методлари ўз аксини топган.

Монографиянинг амалий аҳамияти сифатида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тизими, ижтимоий етимликнинг сабаблари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг тоифалари, ижтимоий етимликни келтириб чиқарувчи омиллар, етимликнинг ижтимоий, маънавий, руҳий ҳамда иқтисодий оқибатлари, ижтимоий етимликнинг асосий хусусиятлари, инсоннинг ижтимоийлашувига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар каби кўплаб муҳим масалалар ёритилганлигини эътироф этиш мумкин.

Бугунги кунда институционал муассаса тарбияланувчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Sen yolg‘iz emassan” Республика жамоатчилик хайрия жамғармаси, “Соғлом авлод учун” нодавлат хайрия жамғармаси, “SOS – Ўзбекистон болалар қишлоқлари” каби давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолият юритмоқда.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистонда етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ижтимоийлашувлари борасидаги ишларни амалга оширишда хорижий тажрибалар, жумладан, АҚШ, Германия, Украина ва Россияда ишлаб чиқилган ижтимоий ёрдам тизимини ўрганиш ҳам эътиборга моликдир.

Монографияда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш йўналишлари, тадбирлар орқали тарбияланувчиларнинг ижтимоийлашув жараёнлари самарали кечиши тажриба-синов ишлари натижасида тасдиқланганлиги кўрсатиб берилган. Шу билан бирга, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашда таълим жараёни ва маънавий-маърифий тадбирларнинг имкониятлари очиқ берилган. Бунда таълим ва маънавий-маърифий ишларнинг миллий қадриятлар ҳамда муайян принципларга асосланишга эришишнинг қатор вазифалари белгилаб берилган.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашда психологларнинг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода монографияда Меҳрибонлик уйи психологи тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда олиб борадиган ишларининг асосий йўналишлари – тарбияланувчиларни касб-хунарга йўналтириш; ахборот-маърифий ишлар ҳамда тарбияланувчилар учун маслаҳатлар уюштириш; тарбияланувчилардаги ҳиссий соҳадаги оғишиш, руҳий зўриқиш каби ҳолатларни бартараф этиш бўйича коррекцион ишларни ўтказиш; муассасадаги бошқа мутахассис, ходимлар билан ҳамкорликда ишлаш; ўз билим, малака ва салоҳиятларини ошириб бориш; мутахассис сифатида зарур барча хислатларга эга бўлишлари каби муҳим жиҳатлар баён этилганлиги орқали психолог фаолиятини

белгиланган талаблар бўйича ташкил этишнинг методик асослари очиб берилган.

Монография материалларидан болалар институционал муассасалари, жумладан, Меҳрибонлик уйи тарбиячи, педагог, психолог ва ижтимоий соҳа ходимлари, шунингдек, болалар ва оилаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими мутахассислари, педагогик йўналишдаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, умумтаълим мактаблари педагоглари фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, монография шу соҳада илмий тадқиқот олиб бораётган илмий изланувчилар учун муҳим манба вазифасини ўтайди.